



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 185 (12.496)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИШКЕККА КЕЛДИ

БИШКЕК, 12 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун 12 сентябрь куни Бишкекка келди. Шу куни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон раҳбарларининг амалий учрашуви бўлди.

ШХТ саммитининг асосий тадбирлари 13 сентябрга мўлжалланган.

Расмий дастурга мувофиқ ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланади. Анъанага кўра, мажлис кенгайтирилган таркибда давом этади. Аъзо мамлакатлар раҳбарлари даврасига кузатувчи давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қўшилади.

Давлатлар раҳбарлари ташкилот фаолиятини янада тақомиллаштириш, узоқ муддатли яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ШХТ маконида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашадилар.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунида Бишкек декларацияси қабул қилиниши, ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг шу йил 8 – 10 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикасига буюрган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиб қолди. Мазкур ташриф якунлари ўзаро ҳамкорликнинг юқори даражада эканлиги ҳамда уни янада ривожлантиришга бўлган интилишдан далолат беради.

ХИТОЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ташриф олдида ХХР оммавий ахборот воситалари бунга жуда катта эътибор қаратди. Хусусан, 8 сентябрь куни «Синьхуа» ахборот агентлиги ўзаро ҳамкорликнинг кўп қиррали йўналишлари, жумладан, икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш истиқболлари ҳамда стратегик шерикликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбатни эълон қилди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Чжан Сяо ўз интервьюсида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг юртимизга ташрифи Ўзбекистон — Хитой муносабатларида тарихий воқеа бўлиб қолажигига умид билдирди. Унинг таъкидлашича, ташриф «икки томонлама ҳам-

корликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун пухта замин яратди, уни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш ҳамда минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт таъминлашига ўз ҳиссасини қўшади».

Шунингдек, дипломат мамлакатларимизнинг кўп томонлама тузилмалар ва ташкилотлар, жумладан, БМТ ҳамда ШХТ доирасида яқин ҳамкорлик қилаётганини қайд этди. ШХТ доирасидаги биргаликдаги сайёҳаракатлар икки томонлама стратегик муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди, дея таъкидлади Чжан Сяо.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Ван Кайсюань эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йили Хитойга буюрган расмий ташрифи икки мам-

лакат ўртасида стратегик ҳамкорлик ўрнатиш имконини яратгани баробарида, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга кучли туртки берганини билдирди.

Унинг ҳисоблашича, икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларимиз намуна бўладиган алоқалар сирасига қиради, чунки кейинги пайтларда икки мамлакатнинг сармоялар соҳасидаги ҳамда ноҳом ашё жабҳасидаги ўзаро ҳамкорлигида сифат ўзгаришлари кузатилаётган. Ван Кайсюань ижобий ҳамкорликнинг мисоли сифатида «Жиззах» махсус индустриал зонасини тилга олган экан, у ерда ҳозирнинг ўзидаёқ хитойлик сармоядорлар иштирокида туртта лойиҳа амалга оширилган, жорий йил охирига қадар яна учта лойиҳа ҳаётга татбиқ этилишини айтди.

(Давоми 2-бетда)

ҲУКУМАТЛАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Венгрия ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, савдо-саноат, сармоя, сув хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.


Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Б.Абдусаматов Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш, автомобилда халқаро йўловчи ва юк ташишга оид қатор ҳукуматлараро битимларга асосланади.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўзбекистон Венгрияга ўғитлар, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, хизматлар ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Фармацевтика маҳсулотлари, механик ускуналар, оптик асбоблар ва аппаратлар ҳамда бошқа маҳсулотларни импорт қилади.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Венгрия ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишдан, кенг қўламли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришдан, мавжуд салоҳиятни янада фаолроқ ишга солишдан манфаатдор эканлиги таъкидланди. Мамлакатларимиз илм-фан, маданий-гуманитар, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга.

(Давоми 2-бетда)



«Ўзэкспомарказ» павильонларида «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME – 2013» ҳамда «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan – 2013» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмалар

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекенгил-саноат» давлат акциядорлик компанияси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнёрлар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмағида ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг шериклари томонидан ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган пахта толасини қайта ишлаш,

янги корхоналарни вужудга келтириш ва ишлаб турганларни модернизациялаш учун 1 миллиард 800 миллион доллар ҳажмидаги хорижий инвестицияларнинг жалб этилганлиги Ўзбекистонда энгил саноат тармогининг ривожланаётганидан далолат беради. CAITME ва Textile Expo Uzbekistan кўргазмаларининг ташкил этилиши ҳам соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур кўргазмаларнинг ноёб концепцияси энгил саноатнинг барча жабҳаларига мансуб истеъмолчилар, ишлаб чи-

қарувчилар ва савдо компаниялари учрашувини ташкил қилиш имконини берапти.

CAITME ва Textile Expo Uzbekistan кўргазмаларнинг бирлашган экспозициясида Ўзбекистон, Австрия, АҚШ, Германия, Италия, Хитой, Ҳиндистон каби дунёнинг 22 мамлакатига мансуб 250 га яқин компаниялар ўзларининг тўқимачилик ва энгил саноат учун ускуналар, технологиялар, трикотаж мато, тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини намоиш қилмоқдалар.

Ўзбекистон компаниялари мазкур тадбирда фаол иштирок этмоқда. Экспозицияларнинг 81 фоизини хорижий компаниялар ташкил этаётган бўлса, қолган 19 фоизи мамлакатимиз вакилларига тегишли. Экспонатлар сони бўйича Туркия, Италия, Германия ва Хитой компаниялари пешқадамлик қилишаётган.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамкорлигида юртимизда экологик туризмни ривожлантириш имкониятларига

бағишланган семинар ўтказилди. Унда қўйи палата депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Қарши шаҳридаги «Қашқадарётижоратсавдо» масъулияти чекланган жамияти ихтисослашган улгуржи ҳудудий базасида совуткичли омборхона ишга тушди. 3 миллиард сўмга яқин банк кредити эвазига реконструкция қилинган мазкур омборхона 3 минг тоннагача мева-сабзавотни сақлаш имконига эга. Омборхона Германиядан келтирилган қиймати 415 минг еврога тенг совутиш ускуналари билан жиҳозланган. Мажмуанинг ишга тушиши натижасида 22 янги иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тайёрланган маърузада қайд этилишича, ўтган йил якунлари бўйича хорижий давлатларга инвестиция киритиш борасида АҚШ, Япония ва Хитой дунёдаги энг етакчи мамлакатлар қаторидан жой олишди.

Германиялик 59 ёшли ҳуқуқшунос, қилиқбозлик бўйича собиқ Олимпиада чемпиони Томас Бах белгиланган муддат давомида ўз вазифасини бажариб, истеъфога чиққан Жак Рогге ўрнига Халқаро

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколатлари муддати шу йил ноябрь–декабрда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга тайёргарлик кўришмоқда. Бу йил 9756 нафар фуқаролар йиғини раисини ва уларнинг 97 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 12 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида ўтказиб келинган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда талабчанликни кучайтириш мактабига айланди.

2013 йилда янги тахирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидалари амалга оширилиши таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 14 июндаги қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишини ташкил этишни назарда tutuvchi тегишли тадбирлар режаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тавсиялар тасдиқлаб, уларга мувофиқ ушбу қонунларнинг моҳияти ва мазмунини аҳолига кенг миқёсда етказишга қаратилган тизимли иш олиб борилади.

2013 йилда бўлажак фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юқоридаги қонунлар нормаларининг талабларига мувофиқ, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2013 йил ноябрь–декабрда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарор қилади:

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2013 йил ноябрь–декабрь ойлари этиб белгилансин.

2. Бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайлашни режалаштириляётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2013 йил ноябрь–декабрда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда)

Олимпия Қўмитасининг янги президенти этиб сайланди. ХОҚ низомига мувофиқ у ўн икки йил давомида ушбу ташкилотга раҳбарлик қилиши мумкин.

2016 йилдан бошлаб Буюк Британияда пул сифатида пластик купюралар муомалага киритилади. Маълумотларга қараганда, бундай купюралар қозғоларга нисбатан 6 марта кўпроқ хизмат қилади, кир ювиш машинасига тушиб қолган тақдирда ҳам сифати бузилмайди. Ушбу пуллар 120 даражали иссиқ ҳароратга чидамли бўлиб, мутахассисларнинг таъкидлашича, пластик купюраларни қалбакилаштиришнинг илоҳи йўқ.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, ХХР оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Хитой ва Ўзбекистон «1992 йили ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатгани ҳолда икки томонлама муносабатларнинг ўсувчан ва барқарор ривожланиши учун қулай тамойиллар қўллаб-қувватланишига доимий равишда қўмаклашиш келяпти. Икки мамлакат ўртасида олий даражадаги алоқалар фаоллашаётди, ўзаро сиёсий ишонч борган сари кучаймоқда».

ХХР Раиси Си Цзиньпин Тошкентга келган, 9 сентябрь кuni «Синьхуа» унинг интервьюсини тарқатди. Унда таъкидланганидек, «Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги аънавий дўстлик ўз илдизлари билан ўзоқ ўтмишга бориб тақалади. Халқларимиз 2000 йилдан кўпроқ давр муқаддам Буюк Ипак йўлида бир-бири билан яқин алоқада бўлганлар. Дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 21 йил давомида томонларнинг умумий савий-ҳаракати туфайли Хитой – Ўзбекистон муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Икки давлат ўртасидаги аъдий дўстлик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш – мутлақо тўри бўлган стратегик танлаш эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатаётди. Мен Президент Ислам Каримов билан бўладиган музокара ва учрашувларни оракиб кўтмоқдаман. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклиқни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, икки мамлакатнинг барча соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтириш, шунингдек, ўзаро қизиқиш касб этадиган муҳим халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан батафсил фикр алмашувлар таширф кун тартибидан жой олган. Аминманки, томонларнинг муштарак савий-ҳаракатлари натижасида ушбу таширф муваффақият билан яқунланиши баробарида Хитой ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари нуфузининг янада ошиши учун кучли туртки бўлиб хизмат қилади».

«Guangming Daily» газетаси ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига таширфини ёритишда давом этар экан, эксперт Син Гуанчэннинг «Хитой – Ўзбекистон муносабатларининг истиқболлари» сарлавҳали мақоласини эълон қилди. Унда қайд этилишича, Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга таширфи Хитой ва Ўзбекистоннинг биргаликдаги савий-ҳаракатларини янада ривожлантиришга қўмаклашади.

Муаллиф дипломатия муносабатлари ўрнатилган дастлабки кунларданок Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг асосий тамойиллари тўғрисидаги Қўшма баёнотни, Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолагани ҳамда улар биргаликдаги савий-ҳаракатларини янада фаоллаштириш учун ҳуқуқий доирани яратганини, Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларациянинг имзоланиши эса икки томонлама ҳамкорликнинг стратегик шериклик даражасига олиб чиқганини таъкидлайди.

Син Гуанчэн томонларнинг икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан тузилган ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро қўмитаси ва унинг сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, маданият, фан ва техника масалалари бўйича кичик қўмиталари доирасида икки томонлама муносабатларни фаол равишда ривожлантираётганини қайд этади.

Мақола муаллифи ёзганидек, томонлар ўртасида минтақавий хавфсизликни таъминлашда, жумладан, «уч ёвуз қуч»га, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда

уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида фаол ҳамкорлик қилинмоқда.

Син Гуанчэн мақола якунида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама ҳамда кўп томонлама шаклларида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашга бундан кейин ҳам қўмаклашишига ишонч билдиради.

«Жэньминь Жибао» газетаси «Хитой – Ўзбекистон амалий ҳамкорлигининг янги босқичи» сарлавҳали мақолаини эълон қилди. Унда таъкидланганидек, дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён томонлар яқин алоқаларни қўллаб-қувватлаётгани ҳолда сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатларни изчил ривожлантиришмоқда.

Хитой компаниялари вакилларининг фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, нашр икки мамлакат ўртасида яқин ва дўстона муносабатлар юзасига келгани малакали ишчи ресурсига, жуда мақбул сармоявий муҳит, барқарор ички сиёсат ва қулай жўғрофий жойлашувга эга бўлган Ўзбекистон

дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро муносабатлар тараққиётининг тамойиллари ва йўналишларини белгилаб бериши» ҳам қайд этилган. Мазкур газетда қабул қилинган Стратегик шериклиқнинг икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма декларациянинг тўла матни чоп этилган.

«Синьхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қўра, Марказий Осиёдаги биринчи Конфуций институти 2005 йили Тошкентда очилган эди. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга таширфи чоғида «Буюк Ипак йўли чорраҳаси»даги Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу билан бирга, агентлик икки мамлакат ўртасидаги прагматик ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш юзасидан ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг бешта таклифини тақдим этади. Унинг фикрича, «биринчидан, ҳар икки томон 2017 йилга бориб товар алмашувлар ҳажмини 5 миллиард долларгача ошириши, яқин вақт ичида эркин савдо ҳудудини яратиш ва ўзаро сармояларни кенгайтириш бўйича Хитой – Ўзбекистон музокараларини бошлаш лозим; иккинчидан, энергетика соҳасидаги ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, «Хитой – Ўзбекистон» газ қувурининг ўзоқ мuddат бехатар ва барқарор ишлашини таъминлаш, газ ишлашда, ёқилмадан сланец ўзлаштирилишида ҳамда қайта ангиладиган энергия манбаларини кидиришда ҳамкорлиқни кенгайтириш керак; учинчидан, икки мамлакат инфра-тизмалари ўртасида транспорт-коммуникация алоқаларини кенгайтиришга қўмаклашиш ва «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир

йўли ҳамда автотрассасини имкон қадар тезроқ очиб кетарак; тўртинчидан, махсус саноат туманини ва намунали аграр комплексни биргаликда барпо этиш, икки давлат ўртасида миллий валюталардаги ўзаро ҳисоб-китобларни кенгайтириш ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш лозим; бешинчидан, икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар алмашувларга қўмаклашиш, йилни муайян мавзуга бағишланиш биргаликда ташкил қилиш ва ўтказиш, биродарлашган вилоятлар ва шаҳарлар сафини кенгайтиришга қўмаклашиш керак».

Шунингдек, томонлар имзолаган ҳужжатлар, Хитой етакчисининг Ўзбекистондаги учрашув ва музокаралар матнлари ҳамда бошқа маълумотлар ҳам мазкур ахборот агентлиги материалларида ўз аксини топган.

«China Daily» газетаси Хитойнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Гао Юйшэньнинг «Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 1992 йили Хитойга таширф буюрган МДХ маконидagi биринчи давлат раҳбари бўлди. Бу таширф икки томонлама муносабатлар учун яхши заминга асос солди», деган фикрларини келтиради.

«Гарчи ХХР Раиси Си Цзиньпин илк маротаба Марказий Осиё мамлакатларига таширф буюраётган бўлса-да, илгари у бир неча бор Ислам Каримов билан учрашган, бунинг натижасида улар ўртасида яқин муносабатлар шаклланган», дейди Гао Юйшэнь. Унинг сўзларига қараганда, «Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқнинг муҳим жиҳатларидан бири, бу — икки давлат етакчилари ўртасидаги чуқур ўзаро ишонч бўлиб, у икки томонлама алоқаларнинг муваффақиятли тараққиётини таъминлади ҳамда ўзаро қизиқиш ўйғотадиган масалалар юзасидан «чуқурлашган консенсусга эришиш» имконини берди. «Уч ёвуз қуч» билан кураш соҳасидаги самарали ҳамкорлик бунинг яққол далилидир.

«Жаҳон» АА



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳаллий вакилларнинг тадбирда фаол иштирок этаётганлиги хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг қизиқиши ортиб бораётгани ҳамда улар ўз агентлари томонидан маҳсулотлари Ўзбекистонда таништирилишини истаётганлари билан боғлиқдир. Шунингдек, бунга бозордаги етакчи компаниялар орасида соғлом рақобат мавжудлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

– Ушбу кўргазмада бешинчи бор иштирок этишимиз, – дейди «Ratex Group» масъулияти чекланган жамияти вакили Бехруз Абдуллаев. – Биз бугун тўқимачилик асбоб-ускуналари, яъни калава ип ишлаб чиқариш бўйича йигирув ускуналари, тўқув-трикотаж, калава ип ва мато бўёш ҳамда пиллачилик асбоб-ускуналарини намойиш этмоқдамиз. Айниқса ўтган йилги кўргазмадаги иштирокимиз бизга жуда қўл келган. Қўллаб келишув ва битимларга эришганимиз. Textile Expo Uzbekistan — 2013 нинг бу йилгисидан ҳам умидларимиз катта.

Мамлакатимизнинг «Osborn Textile» ХК, «Uzbek Chirchik», «Uzbek Tashkent» КК каби бир қатор тўқимачилик бизнесининг пешқадамлари ўзларининг экспортга мўлжалланган пахта толасидан тайёр-

ланган ип, трикотаж мато, тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари, пахмоқ маҳсулотлар сингари сифатли маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

– Корхонамизда ўттиз хилга яқин аёллар ва эркеклар учун иссиқ кийимлар ва бошқа турдаги бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, – дейди «Pirani» масъулияти чекланган жамиятининг реклама менежери Азизбек Каримов. – Ушбу кўргазмада бир неча хил янги маҳсулотларимизни намойиш этмоқдамиз. Мақсад ҳамкор ва харидорларни кўпайтиришдир.

Ўнчинчи бор ўтказилаётган «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan» кўргазмаси соҳа мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорлиқни ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Унда мамлакатимизнинг Cenas Textile, Cotton Fashion, Orange Textile каби бир қатор ишлаб чиқарувчилари биринчи бор иштирок этишмоқда.

Ушбу халқаро форумлар Ўзбекистон енгил саноатини янада ривожлантиришда муҳим омили вазифасини ўтаб, соҳа мутахассислари учун музокаралар майдонига айланди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ислам Исмоилов олган суратлар

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Музокарада Венгрия делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар самаралари, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

– Ўзбекистон Венгриянинг Марказий Осиёдаги энг муҳим ва йирик ҳамкорларидандир, – деди Венгрия Республикасининг ташки ишлар ва ташқи иқтисодий фаолият бўйича давлат котиби, комиссия ҳамраиси Питер Сярто. – Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Истиқболда мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда икки томон ҳам манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Савдо, иқтисодиёт, сармоя, банк-молия, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, фармацевтика, электр техникаси, тўқимачилик каби йўналишлардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу кунги Ўзбекистон ва Венгрия ишбилармон доираларининг бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига Венгрия компанияларини кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ноидра МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

Тошкентда бўлиб ўтаётган Халқаро аёллар теннис турнирининг чорак финал учрашувлари якунланди.

ЯРИМ ФИНАЛЧЛАР АНИҚЛАНДИ

Марказий қортда ўтказилган Александр Каданту (Руминия) ва Ольга Говорцова (Белоруссия) ўртасидаги чорак финалнинг дастлабки учрашувида Александр ракибасига 6:3, 6:2 ҳисобида юташиб қўйган бўлса, Манди Минелла (Люксембург) ва Настассия Бюрнет (Италия) ҳисобида Настассиянинг жиддий қаршиликка қарамасдан Манди галаба қозонди. Биринчи сетда кетма-кет уч геймни ютиб олган италиялик теннисчи Бюрнет хотирjamликка берилиб рақибага тайбрекда имкониятни 7:6 ҳисобида бой берди. Иккинчи сет ҳам кескин ва мурасасиз тарзда кечди. Минелла ўзининг маҳоратини намойиш этиб ҳисобни 7:5 қўлинишига олиб келиб, ярим финалга йўлланма олди.

Чорак финалнинг қизиқарли уйинларидан яна бирида Тереза Торра-Флор (Испания) ракибаси Явонна Мюэрбургер (Австралия)ни 6:3, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

– Мюэрбургерга қарши ўйинда галаба қозонганимдан хурсандман, – дейди

Тереза Торра-Флор. – Ўйин ҳақида гапирадиган бўлсам, беллашув бошлариданок Явонна неғадир ўйин суръатини жуда паст равишда бошлади, мен эса бундан унумли фойдаланиб, қаторасига уч геймни ютиб олдим. Биринчи сетда мен ҳам суръатни бир оз бўшаштирган-ним сабабли рақибимга кетма-кет геймларни бериб қўйдим. Мураббийим маслаҳати билан ўйинимда бурилиш ясаб, биринчи сетни ўз фойдамга ҳал қилдим. Иккинчи сетда эса Явоннанинг нозик нуқтаси – чап тарафга кўпроқ зарбалар йўлладим ва қўзланган натижага эришиб, ярим финалга йўл олдим.

Қозғонгонлик Галина Воскобоева ҳамда сербиялик Бояна Йовановскилар учрашувида рақибалар бор маҳоратларини ишга солиб қанчалик бир-бирларини мағлуб этишга уринишмасин, сербиялик теннисчи ўзининг аниқ зарбалари билан учта сетда 6:1, 4:6, 6:7 ҳисобида зафар қўчиб, кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Жавохир ТОШХУҲАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг аъзолари томонидан таъкидлаб ўтилганидек, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасидаги энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-қўқис рўйга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлашдан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови жараёнининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва очиқ-риоя этилишидан, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар билан, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан фуқароларни таништиришдан иборат. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг гоят муҳим омилли бўлган ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида тайёрлаш ва ўтказишнинг боришини кенг ёритиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишини олиб бориш, шунингдек, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни фаол жалб этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш талаб қилинади.

Масалани муҳокама қилиш яқунлари бўйича олдинги сайловларнинг тажрибасини ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddати қилиб 2013 йил ноябрь-декабрь ойларини белгилади, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини тасдиқлади.

Шунингдек, Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссиясини тузиш, унинг таркибига парламент иккала палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, бошқа вазирлик ва идораларнинг вакиллари киритилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизматиЎзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг
ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚЎРИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Қоракалпоғистон Республикаси Жўқориги Кенгеси-га, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2013 йилнинг 1 октябригача бўлган мuddатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияларни тузиш;

Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига қўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда 2014 йил 15 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов яқунлари тўғрисида ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВТошкент шаҳри,
2013 йил 12 сентябрь

02:00 Детективный сериал «В
нужь на исследование».
04:00 Сериал «Час Волкова».

(Давоми 4-бетда)

